

Юридик шахслар учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

20 22 йил 26 январь 201472 сон

Тхшкент ш
(шартнома тузилган манзил)

Низом Бариев Т.Т.К асосида фаолият юритувчи раҳбари
(хушудай электр тармоқлари корхонасидаги нааме)

Азизов Дилшод (хейинги ўринларда)
(хушудай электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Низом Бариев Т.Т.К асосида фаолият юритувчи раҳбари Бариев Т.Т.К
(“Истеъмолчи”нинг ном)

раҳбари Ш. Шошова (хейинги ўринларда)
(“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи” деб аталади). ҳисоб рақами – _____ дан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (хейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га стказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолнинг йиллик шартномавий ҳажми:
актив 1333 кВт.с, реактив _____ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 600000 (Олти юз минг) сўм тариф
тариф гури: табақалштирилган, бир ставкали _____ сўм боруши коэффициентининг ёллан, 08.11.2018 йилдаги ПҚ-3379-сонли қарориди алоқиди турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи руйхатда кўрсатилган қорхоналар, (кераклиси ёзилсин)

бўйича 450 сўмни ташкил этади.

2.3. “Истеъмолчи”га йиллик энергия ҳажми ойлар бўйича ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ етказиб берилади.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асосларининг (хейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги №277-сонли табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатилиши тартибга солиш тўғрисидаги қарорининг 1-иловасида кўрсатилган, “Истеъмолчи”ларга узатилаётган энг кам йиллик энергия ҳажми _____ кВт.с ни ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. 08.11.2017 йилдаги ПҚ-3379-сонли қарориди кўрсатилган алоқиди турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи қорхоналар энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки ушиб боруши коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган "Истеъмолчи" тоқилган ташкилотлари, фермер хўжаликларини ва сув истеъмолчиларини уюшмаларинини электр станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маъмул шартнома билан насаб станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни кучга келтирилган табакалаштирилган тариф буйича амалга оширилади.

Табакалаштирилган тариф буйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг суғу вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) урнатиш тариф буйича:

тигиз пайт – янги катта юктамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юктамали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда умумий коэффициентни қўлланиш орқали:

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юктамали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда қамаловчи коэффициентни қўлланиш орқали амалга оширилади.

Бир ставкали тарифга эга бўлган истеъмолчи тар II-тариф гуруҳига мансуб бўлади.

Электр энергияси учун ҳисоб-китобларда табакалаштирилган тариф қўлланилмаган истеъмолчиларга бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАдан кам бўлган "Истеъмолчи"ларга электр энергия нарҳини шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи "Истеъмолчи" учун Ҳукумат қарори билан белгиланмаган тарифлар ва усиб борувчи коэффициентли тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Истеъмол қилинган электр энергияси учун шартнома асосида "Истеъмолчи" билан "Қорхона" ўртасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. "Истеъмолчи" ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Ўш прокуратураси ҳузурдаги Махбурий чакро бюросининг (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-илоҳасига мувофиқ энергия сарфи буйича ҳисоботни тузади.

"Истеъмолчи" ҳақиқий энергия истеъмоли ҳажминини белгиланган шахсдаги ҳисоботини "Қорхона" ва "Бюро"га ҳар ойнинг 25 санаьсгача ўз қўли билан, факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган, тўловларни табакалаштирилган тарифга асосан амалга оширувчи "Истеъмолчи"лар электр энергиясининг актив ва реактив коэффициентлари бўйича тақсимдан ташқари, алоҳида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги ҳажмларни ҳам аниқлашнинг шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарган тақдирда "Истеъмолчи" янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилган электр энергияси тўловини янги тарифлар буйича солиб боради.

3.6. "Истеъмолчи"га энергияни таъминоти бериш қолғуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, шартнома шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлангандан сунг амалга оширилади.

3.7. "Истеъмолчи"нинг электр энергия сарфи буйича ҳисоботига асосан "Қорхона" электр энергия ҳисоб-китобини амалга оширилади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисобларини беш кун ичида ҳуқуқ шарт билан ёзиб беради.

"Истеъмолчи"да турли тариф гуруҳларида тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори электр тармоқининг баланс буйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, технологик ислоф шартноманинг 4-илоҳасидаги таламлар билан тармоқларнинг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш буйича мансублик чегараси ҳақидаги таъинномага асосан аниқлавади ҳамда мажбур шартноманинг 5-илоҳасига кўрсатилади.

Бунда, табақаланштирилган тарифда туловларни амалга оширувчи уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфини сўтканинг тини. Ярим тини ва тини пайларни учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳамжини тегншти пайларига тулов ҳисоб вараини ёшиш учун мутаносиб равишда қушиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган тақдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори буйича ёки уттан ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда "Истеъмолчи"нинг ҳисоб варагида тегншти равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибда "Бюро" томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб китоб қилинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун туловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня буйича қарни бўлган тақдирда унинг аванс тулови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарни қоплашга йўналтирилади ва аванс тулови (олдиндан ҳақ тулаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг анби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тулик истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тарикасида туланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Электр таъминоти шартномасида ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилганидан 5 фойздан ортик миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда, истеъмолчилардан (машиий истеъмолчилардан ташқари) электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортик истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тулов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тутагандан сўнг, беш кун мобайнида узро ҳисоб-китобларнинг таққолаш далолатномасини тузади.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узил қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учу қарздорлик мавжуд бўганда;

- "Бюро" томонидан кўрсатилган талабларни идро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегншти вакилларини ҳисоблагич кўрсаткичларини олиш учун қаршилик кўрсатганда;

- ҳисоблагичлар қасддан бузилганда, электр ҳисоблагич кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқий таъсир кўрсатилганда;

- электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа қолағлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик тан ошад ўтмайди.

3.15. "Истеъмолчи"ни тармоққа қайта улаш, "Истеъмолчи" томонидан қондубузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ун баравари миқдорида тулов ундирилгандан сўнг амалга оширилади (ЭНҲАТга уланган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи ёқазиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муттағларда) туламаса, Корхона муддати ёқазиб юборилган ҳар бир кун учун тулов сўммасининг 0,1фойзи миқдорида (Энергия маҳсус тартибда ёқазиб берувчи қорхоналар учун 0,2фойзи) лекин муддати ўтқазиб юборилган сўммасининг 50 фойзи ортик бўлмаган миқдорда шарт билан пеня туздайди.

3.17. Арифметик ҳақошқалар, тарифларни нотўғри қулаш туфайли пайдо буладиган кам ва ортика туловлар тегншти тариф буйича кВт соатларда қайта ҳисобаб қилилади ва ҳудудий электр

тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида курсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ ҳудудий электр тармоқларига улаш;
 - сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;
 - электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;
 - ҳудудий электр тармоқлари корхонасига улар истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мулжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак;
 - электр энергияси тўлиқ ҳажмида етказиб берилмаслиги ёки сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;
 - электр таъминоти шартномасини бекор қилганда фойдаланил-маган электр энергияси миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда электр таъминоти шартномасини бекор қилиш;
 - электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
 - электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки буйсуниши бўйича юқори ташкилотга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.
- Электр энергияси истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қўйидагиларга мажбур:

- ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;
- фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;
- ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;
- электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- Бюро ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма курсатма-ларини ўз вақтида бажариш;
- Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;
- ўрнатилган тартибда Бюро ва/ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини куриштириш ва текшириш берилш.
- йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилма-ларидан фойдаланиш бошлангичидан қангида бир ой олдин (майнинг истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига буюртманомга бериш;
- келгуси йил учун электр энергиясига булган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.
- 5 МВт ва уядан ортиқ қувватга уланган электр энергияси истеъмолчилари ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг талабига қўра қўйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар қилиши шарт;
- истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқалаги сарфи.

- "Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тетишли даражада бажаришни талаб этиш;

- истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

- авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (учириш);

- Бюро кўрсатмаси бўйича истеъмолчиларни электр тармоғидан, шунингдек, ЭХНАТга уланган ва олдиндан туланган маблағ тўлагандан сунг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурлимасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган истеъмолчиларни узиш.

- Худудий электр тармоқлари корхоналари қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

- Худудий электр тармоқлари корхоналари ёки Бюро қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар"

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

- истеъмолчиларнинг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаган-лиги ёки электр таъминотида бошқа қонда бузилишлар тўғрисидаги аризаларини, истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай қўриб чиқиш, ушбу қонда бузилишларини бартараф этиш ва истеъмолчиларга ушбу Қоидаларга мувофиқ батафсил жавоб юбориш;

- электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмида узлуксиз етказиб бериш;

- ускуналарни, электр узатиш линияларини, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, "Ўз электр тармоғи" ҳўжалиги объектларида носозликларни бартараф этиш;

- ўз электр тармоғи ҳўжалиги объектларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаб туриш;

- электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

- истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш;

- жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

- истеъмолчиларга ўрнатилган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбобларини алаштириш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни таъминлаш, шунингдек Бюро билан биргаликда уларни пломбалаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

- истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

- "Корхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада курсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, "Корхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур. "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Корхона" қуйидаги ҳолатларда "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди:

"Истеъмолчи"нинг шартномавий миқдордан ортиқча энергия истеъмол қилиши натижасида, энергиянинг сифат курсаткичларининг тушиб кетишида, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган ҳолларда;

захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма курсатмасига мувофиқ ўчирилганда ёки сигналмас куч шариотлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Яқуний қондалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Мазкур шартномага ўзгартириш киритиш ой давомида қабул қилинмайди, кейинги ойда кучта киради.

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бекорлиги уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари ушунг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўтгиз қун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида кабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, иккала томонларнинг воқолатли шахслари томонидан низо билан тасдиқланиб ёзма равишда тақдим этилганда ҳақиқийдир.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истеъмолчи Кариева М. Ахборот-китубхона маркази
 Юридик манзили Бешкент ш. Ўстақийлик к.
 Почта манзили Ўстақийлик кўча 134й
 Ҳисоб рақами 1000228601022247082102134001
 Банк коди (МФО) 00014 (СТИР) 306704749
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича қалъаси рақами 18.13.01.01.03.0215
 Махалла номи Ровот МФУ

Республика ви маҳаллий бюджетдан молияштириладиган "Истеъмолчи"лар учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами 23402000300100001010
Банк коди (МФО) 00014 (СТИР) 201122919

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами _____
Банк коди (МФО) _____ (СТИР) _____

Телефонлар: _____ Факс: _____
(Истеъмолчи" телефон рақамлари шу ҳужжатдан унинг рақбарини ўқиги телефон кўрсатилган)

Статистик кодлар:
ОКЭД 80200
СОГУ 07794
СОАТО 1710224
КФС _____
КОПФ _____
ОКПО _____

Корхона: Карим ТўТ корхонаси -
Почта манзили Бешкент ай. маркази йўли
Ҳисоб рақами 22636000700177786344
Банк коди (МФО) 000854 (СТИР) 200666494

Телефонлар: 75-5721464 Факс: _____

Танк Каримов Часанов Куремшибанк
Статистик кодлар: ОКОИХ 11170
СОГУ _____
СОАТО _____

"Истеъмолчи":
Карим Тўт ахборот
кўрсаткичи маркази
директори Тоғчи Тўшев
М.У. имзо, мансаби, Ф.И.Ш.

"Корхона":
Карим ТўТ
корхонаси
Д. Азизов
М.У. имзо, мансаби, Ф.И.Ш.

Юрист ҳулосаси: Ушбу шартнома Ўз.Р.Ф.К ва 29.08.93 йилдаги "Хўжалик воясиз субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуққий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига тушиқ жавоб беради.

Ушбу шартнома Ўз.Р.Ф.К ва 29.08.93 йилдаги "Хўжалик воясиз субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуққий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига тушиқ жавоб беради.
Хўжалик воясиз субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуққий базаси тўғрисидаги қонун талабларига тушиқ жавоб беради.
Хўжалик воясиз субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуққий базаси тўғрисидаги қонун талабларига тушиқ жавоб беради.

_____ (имзо)
STZ

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи Қўшма ҳисоб
2. Фаолият тури Қўшма ҳисоб
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 10 кВА (кВт)
4. Техник шарт асосида рухсат этилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги буйича тонфаси (лойиха буйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тури: табақаланштирилган, бир ставкали еки усиб борувчи коэффициент биши. 08.11.2018 йилдаги ПҚ-3379-сонли қарорид алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи руйхатда кўрсатилган қорхоналар. (қарақлиси Ёзилми)

Йил, жами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари буйича			
		КВТ			
Январ	200	444,44			
Феврал	200	444,44			
Март	200	444,44			
Апрел		444,44			
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Қорхона бир кунда 10 соат, бир ойда 30/31 кун ишлайди.
Сменалар буйича юклама тақсимоти (фоиғ хисобида) I _____, II _____, III _____.

Имзолар:



Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб“Истеъмолчи”нинг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва қучатилган синфи (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (поминая токи)	Ҳисоблагич омери	Ҳисоблагич клемма копкоғидаги пломбанинг номери		Улчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартнома тузиш савасида ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
			Корхона-нинг	Бюро-нинг	Тоқ	Қучля-ниш			
Р404 кв	Ex-18	30822/5		QAS0035748MUB					450

Имзолар:



Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Курсаткичлар қайд этилган сана « ____ » _____ 20 ____ йил

Уламиниңг номи, хисоблагичнинг завод номери, хисобга олиш гури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисоблагич курсаткичлари			Хисоблагич курсаткичларининг фарқи	Сарф кДт.с., кВт.р.с.	Табақалаштирилган тариф кДт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучлангич трансформаторининг (КТ)	узунлик	бошлангич	охири	Эрта-лабхи максим ум			Күн	Кечки максим ум	Тул		
											соат 06-09	соат 9-17	соат 17-22
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
<i>на лиққа</i>													
Жами													

Изоҳ: гр 7- гр 6- гр 5, табақалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7- гр 9- гр 10- гр 11- гр 12- гр 13
гр 8 - гр 7*гр 4

Тошқотил М. Тошев
Ф.И.Ш.
М.У.
Бонд Энергетика

ҚАШҚИ ТИЛ
ЭЛЕКТРО
КОМПАНИИ
Ф.И.Ш.

Ф. И. Ш.

Тэмонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъулилик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансда қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси:

ШК Ташкент 110/35/10 х-п 1-кв
Ф-р Шаҳар 2 7113 1 250 кВА

Сотқондан:

3. Улардан қуйидагиларга:

а) тасаруфчидаги барча ўсқунлар

хизмат курсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) шартнома асосида

"Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат курсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланади:

"Истеъмолчи"
М.У.



Ш. Тошев
(Ф.И.Ш.)

"Корхона"
М.У.

Д. Азизов
(Ф.И.Ш.)

Энергия йўқотишларнинг аниқлаш бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланд бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг теъдиллиги (сифофи) йўқотишлари бу:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқотишлари ҳисоб-китоб формула орқали амалга оширилади, реактив энергия йўқотишлари _____ кВА.снат ёки _____ фойзини ташкил этади;

б) "Истеъмолчи"нинг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқотишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим қисми _____ мм²;

Русуми _____

Қучданиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.снатни, ёки _____ фойзини ташкил этади;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқотишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим қисми _____ мм²;

Русуми _____

Қучданиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.снатни, ёки _____ фойзини ташкил этади

Жами ҳар ойлик энергия йўқотишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг фойзини ташкил этади.

Электр таъминоти корхонасининг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маънавий истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолчига қаратилади ва бу ҳақда электр таъминоти шартномасида тегишли ёзув қилб этилади.

Имзолар:



Корхона":

 (М.У. Истеъмолчи)

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

3. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

№	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Узанин вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори жумладан:				
1.1	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Дастлабки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоли, кВт)				
4.	Жами (1.6.+3.6.) кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (xBAp,оvаr)	Шу жумладан		Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		Қувват коэффициентининг киймати	
		Катта юкламали соатларда 06 ⁰⁰ 22 ⁰⁰ (xBAp*с)	Кичик юкламали соатларда 22 ⁰⁰ 06 ⁰⁰ (xBAp*с)			Катта юкламали соатларда 06 ⁰⁰ дан 22 ⁰⁰ гача	Кичик юкламали соатларда 22 ⁰⁰ дан 06 ⁰⁰ гача
						Сезр=	Сезр=
Январь							
Февраль							
Март							
Апрель							
Май							
Июнь							
Июль							
Август							
Сентябрь							
Октябрь							
Ноябрь							
Декабрь							

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган киймаг солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда реактив энергия истеъмоли: иқтисодий киймат доирасида бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифнинг 5% миқдорида;

иқтисодий кийматдан ортиқ бўлганида актив энсргия учун амалдаги тарифнинг 10% миқдорида белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Тарифдан чегирмалар «Истеъмолчи» томонидан электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғига реактив энергия берилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар «Истеъмолчи» бундай иш режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлганда амалга оширилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қушимча маблағларни ундириш ҳисоб-китоб даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги туғрисида «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг тасдиқлови ҳужжат мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўйилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

